

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

5510700 – Олий ҳамширалик иши
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика тиббий таълимни ривожлантириш маркази;
- Тошкент педиатрия тиббиёт институти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил «8»
сентябр даги 236 - сонли буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5510700 – Олий ҳамширалик иши бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.2. 5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
2. 5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2. 5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	7
3. 5510700 – Олий ҳамширалик иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва модул дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.1. Ўқув режа модуллари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	9
3.2. 5510700 – Олий ҳамширалик иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	12

1. 5510700 – Олий ҳамширалик иши бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва модул дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва модул дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва модул дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва модул дастурлари	Бакалавр	3 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5510700 – Олий ҳамширалик иши** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва модул дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва модул дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва модул дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва модул дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;


– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5510700 – Олий ҳамширалик иши бакалаврият таълим йўналиши – фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларига тегишли йўналиш бўлиб, соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида, аҳоли ўртасида ўткир ва сурункали касалликларнинг тарқалишини



олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, замонавий усуллардан кенг фойдаланган ҳолда беморларни соғломлаштириш бўйича асосий муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида тиббий-ижтимоий вазифаларни бажариш бўйича комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– соғлиқни сақлаш тизимидаги жараёнлар, соғлиқни сақлаш тизимига тегишли дастурлар, стандартлар, илмий мақолалар, тезислар, илмий-тадқиқот ишлари, меъёрий ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисоботлар;

– тиббиёт асбоб-ускуналари, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, воситалар, усул ва услублар мажмуаси;

– жамият, аҳоли, оила, беморлар, тиббий ёрдамга муҳтож қариялар, катталар ва болалар, аёллар ва эркеклар;

– илмий-тадқиқот жараёни;

– “валеология” тиббий ихтисослиги бўйича соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи муассасаларида (қишлоқ врачлик пунктларида, қишлоқ оилавий поликлиникаларида, оилавий поликлиникаларида, марказий кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаларида) тиббий фаолиятни амалга ошириш жараёни;

– ўз йўналиши бўйича ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятини юритиш жараёни.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

– соғлиқни сақлашни бирламчи тизимида тиббий фаолиятни ташкил этиши;

– аҳоли орасида кенг тарқалган ўтқир ва сурункали касалликлар бўйича барча турдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва тадбиқ этиши;

– шошилинч ёрдам кўлами бўйича зарур назарий ва амалий билимларга эга бўлиши ҳамда амалиётда қўллаши;

– тиббиёт соҳасида долзарб бўлган касалликлар ҳамда муоммолар бўйича замонавий маълумот, билимларга эга бўлиши ва фаолияти давомида улар тўғрисидаги маълумотлар билан мунтазам танишиб бориши;

– аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботига қаратилган чора-тадбирларин ўтказиши;

– реабилитация чоралари талаб қилинадиган ҳолатларда, уларни аҳолига зарур бўлган даражада қўллаши чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириши ;

– аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишида унинг учун маъсул бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликда мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиши;

– соғлиқни сақлаш бирламчи тизимининг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиши ва уларни самарали бошқаришида иштирок этиши;

– тиббиёт соҳасида долзарб бўлган муоммолар бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини талаб даражасида олиб боришида иштирок этиши.

1.2.3. 5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- ташкилий-бошқарув;
- тиббий-профилактика;
- услубий;
- таъхислаш;



- реабилитация;
- илмий-тадқиқот;
- тиббий-ижтимоий;
- педагогик (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- 5A510701 – *Олий ҳамширалик иши* магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5510700 – Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари
Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- малакали ҳамширалик ёрдамчини ташкил этиш, ёритиш ва назорат қилиш;
- моддий, меҳнат ва информацион ресурслардан рационал фойдаланишни таъминлаш;
- ҳамширалик хизматини тўғри таъминлашни ташкиллаштириш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш салмоғига қараб, бошқарувни ривожлантириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;
- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- информацион технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Тиббий-профилактика фаолиятида:

- аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар;
- “валеология” тиббий ихтисослиги бўйича тиббий фаолиятни амалга ошириш;
- касалликларнинг хавfli омилларини аниқлаш ва олдини олиш, соғломлаштириш;
- аҳолининг санитария-гигиеник савиясини ошириш, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- аҳолини соғломлаштириш, беморларни парваришлаш ва кузатиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Услубий фаолиятида:

- ҳамширалик ишини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бориш ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш, семинарлар ўтказиш;
- даволаш профилактик муассасалари фаолиятини ва аҳоли саломатлигининг асосий кўрсаткичларини кайд этиш, таҳлил этиш ва хисобот тайёрлаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Ташхислаш фаолиятида:


- беморни субъектив ва объектив текшириш;
- текширув асосида ҳамширалик диагнозини қўйиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Реабилитация фаолиятида:

- беморларни парваришда ҳамширалик жараёнини қўллаш;
- бемор ва ногиронларда касбий фаолликни, жисмоний тетикликни ва руҳиятни қайта тиклаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда тиббиётга оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- тиббиётга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;



- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга ошириш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Тиббий-ижтимоий фаолиятида:

- оила ва алоҳида аҳоли гуруҳлари ўртасида инсон саломатлигига таъсир қилувчи асосий ижтимоий-гигиеник, ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш ва хавф омилларини бартараф қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Педагогик фаолиятида (ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):

- узлуксиз таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўқув персонали);
- ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтказиш;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаш ва татбиқ этишни билиш;
- ЎМКХТ тизимининг мос ўқув муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув модуллари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларни ўтказиш қобилиятига эга бўлиш;
- замонавий информацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш қобилиятига эга бўлиш;
- ўқитилаётган фан бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш ва тузиш қобилиятига эга бўлиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

3. 5510700 – Олий ҳамширалик иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва модул дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5510700 – Олий ҳамширалик иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва модуллар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг куйидаги мажбурий модуллар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий модуллар

Клиника олди модуллар


Клиник модуллар

Электив модуллар

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув модуллари билан бир қаторда талабалар электив модулларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва модуллар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув модулларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.



Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа модуллари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар **Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий модуллар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий модуллар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Клиника олди модуллар блоки:

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда тиббий информацион тизим, тиббиётда лотин тили терминологиясининг моҳияти ва аҳамияти, терминоэлементлар бўйича клиник атамалар, физикавий, кимёвий, биологик ва биологик кимё, молекуляр биологик жараёнларнинг ўзаро таъсирлашуви, замонавий тиббий билим олишни ўзига хослиги ва ривожланишнинг асосий босқичлари, махсус клиника ва марказларда даволаш технологиялари тизими тузилишининг умумий тамойиллари; тиббий асбобларнинг техник хужжатлари, физикавий қонуниятларнинг тирик организмдаги жараёнларга татбиқ этиш, кимёнинг асосий қонунлари, органик бирикмаларнинг тузилиш назарияси, организмда кечадиган биокимёвий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги, патологик ҳолатларда моддалар алмашинувининг бузилиши ҳақида тасаввурларни шакллантириши;

табiiй модулларнинг ўзаро фундаментал бирлиги, тиббиёт соҳасида фундаментал ва клиник модулларни ўзлаштириш учун анатомия ва клиник анатомия фанининг зарурлиги, организмнинг ўсиши, шаклланиши, ривожланишининг асосий қонуниятларининг моҳияти, уларнинг ташқи муҳит билан муносабатини таъминлаётган тизимлар ҳамда уларнинг ёшга нисбатан ўзгариши, замонавий тиббий микробиология, вирусология, иммунология модули, унинг мақсад ва вазифалари, одам ҳаёт фаолияти жараёнида физиологик функцияларнинг бошқарилиши ва асосий қонуниятлари ҳақидаги назарий ҳамда илмий тасаввурларни шакллантириши;

физиологиянинг асослари, қонуниятлари, организмнинг шаклланиши, ривожланиши ва функцияларнинг бошқарилиши тамойилларини, патологик жараёнлар ва ижтимоий-экологик омилларнинг аҳамияти, касалликлар ривожланишининг асослари бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириши;

атроф-муҳит омилларини гигиеник нуқтаи-назардан баҳолаш, атроф - муҳит билан одам организми ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ижтимоий-гигиеник омиллар, касалликларнинг ривожланишида атроф-муҳит омилларининг тутган ўрни, кенг тарқалган касалликларнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика асослари бўйича назарий ва илмий билимларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал модулларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим;

Клиник модуллар блоки:

таълим йўналиши ихтисослик модулларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникмаларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

ҳамширалик иши мақсади, вазифалари ва ҳамширалик иши босқичлари; тиббий этика, деонтологиянинг замонавий аспекти ва модуллари, саналогия ва валеология асослари, биоэтика шунингдек, тиббиёт ҳамшираси касб этикаси, ҳамширалик жараёнининг босқичлари бўйича назарий билимларни шакллантириши;



жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашда ҳамширалик ишини бошқаришнинг аҳамияти, тиббий-санитария ёрдамни тўғри ташкил этиш асослари, инсонни инсонга, жамиятга, ташқи муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи этик ва ҳуқуқий меъёрлар, жамият саломатлигини шакллантирувчи асосий қонуниятлар ва омиллар, ижтимоий шароитлар, турмуш тарзи, ташқи муҳит омилари, аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича маҳаллий бошқарув органлари ва олий маълумотли ҳамширанинг асосий вазифалари, мажбурият ва ҳуқуқлари, ҳамширалик ишининг назарий ҳамда илмий асослари бўйича назарий билимларни шакллантириши;

тиббиёт муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича эпидемиологик ёндошишнинг хусусиятлари, касалликларнинг хавф омиларини, уларнинг профилактикаси, аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг умумий қонуниятлари, асосий қонуншунослик актлари, эпидемик жараёнининг ривожланиш механизми, шароит ва сабаблари, профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирларнинг тизими ва таркиби бўйича зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун асос яратиши;

ҳамширалик ишини бошқарув - режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш бўйича кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

тиббиётда фармакология фанининг асослари, мазмуни, амалий тиббиётдаги ўрни ва аҳамияти, дори воситаларининг таъсир механизмлари ва қўлланиши, соғлиқни сақлаш бўйича қонунчилик асослари; тиббий ходимлар, беморларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; тиббий фаолиятга тааллуқли фуқаролик, маъмурий ва жиноий ҳуқуқ меъёрлари; тиббий ходимларнинг касб ҳуқуқбузарлиги ҳолатларида олиб бориладиган тергов ишларининг хусусиятлари бўйича назарий билимларга эга бўлиш ва мукамаллаштиришни таъминлаши;

терапияда, геронтологияда ҳамширалик иши фанининг мақсад ва вазифалари, ички касалликларни келтириб чикувчи омиллар, симптомлари ва синдромлари, ҳамширалик жараёнининг даволашдаги ўрни, терапевтик беморларни парваришини ташкил этишда ҳамширалик жараёни асосида ҳамширалик касаллик тарихини юритиш қоидалари, эвакуация босқичларида ва фавқулотда вазиятларда шошилиш ёрдамни ташкил этиш, қариялар билан мулоқот ўрнатиш, ҳамширалик жараёни асосида парваришлашни таъминлаш, оила аъзоларига маслаҳатлар бериш, парваришга оид кўникмалар, катта ва кекса ёшдаги кишиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва химоя қилиш тўғрисида тадбирларни ташкил қилиш ва асослаш бўйича зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиши;

эндокринология, онкология, хирургия, асаб касалликларда, педиатрия ва неонатологияда ҳамширалик иши асослари, инсон организмиде эндокрин тизим ва эндокрин безларининг хусусиятларини, гормон турлари, кенг тарқалган эндокрин касалликларнинг олдини олиш, ҳамширалик парваришини ташкил этиш, хавфли ўсмаларнинг асосий нозологик турларини, уларнинг профилактикаси ва эрта диагностикасини, хавфли ўсмаларнинг замонавий даволаш усуллари ва улардан келиб чиқадиган асоратларини, турли аҳоли гуруҳларида профилактик кўрикларни ташкил қилиш тамойилларини, хирургияда ҳамширалик жараени асосий босқичлари, ҳамширалик парвариши асосий тоифаларининг деонтологик асослари, операциядан олдин ва кейин беморни кузатиш асосий қоидалари, хирургик беморни парвариш қилиш асосий қоидалари, асаб касалликлар хақида тушунча ва касаллик этиологияси, тарқалиши, нерв тизимни тузилиши, кенг тарқалган асаб касалликларнинг олдини олиш, аҳолига тиббий неврологик хизматни ташкил этиш, педиатрия ва неонатология модулларининг назарий асослари, болалар организмнинг анатомик-физиологик хусусиятлари болалар жисмоний ривожланишининг мониторинги; турли ёшдаги болаларда касалликларнинг ўзига хос хусусиятлари болалардаги касалликларда парваришлаш чақалоқларнинг анатомияси ва физиологияси ривожланиш хусусиятлари неонатологияда ҳамширалик жараёни чақалоқлар орасида кенг тарқалган касалликларнинг этиологияси, патогенези, асосий

клиник белгилари, клиник ва лаборатор-инструментал текшириш усуллари бўйича зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиши;

фавкулотда вазият ва табиий офат тушунчалари ва турлари, беморларни саралаш, шошилич тиббий ёрдам беришнинг ривожланиши тарихи ва таърифи, шошилич тиббий ёрдамда ҳамширалик жароёни, биринчи шошилич тиббий ёрдам кўрсатишда ҳамширанинг ўрни ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиши;

ҳамширалик ишида акушерлик ва гинекологиянинг долзарб масалалари, аёл организмнинг ўзига хос хусусиятлари ва кузатиладиган ўзгаришлар, репродуктив саломатликни аниқлаш усуллари, ҳомиладорлик ва туғруқ фаолиятини тўғри олиб бориш, гинекологик касалликларнинг олдини олиш, контрацепция, репродуктив саломатлик асослари ва оилани режалаштириш тамойилларини тўлиқ ўрганиш учун асос яратиши ҳамда ривожлантириши;

тиббий психология предмети ва унинг вазифалари, тиббий ва педагогик амалиёт жараёнида психологиянинг аҳамияти, касалликлар ва унинг психологик жиҳатлари, этика ва деонтологиянинг асосий тамойиллари, асосий тарқалган рухий касалликлар, психопрофилактика ва психогигиенанинг асосий тамойиллари, рухий патологияси бўлган беморларга ҳамширалик ёрдами кўрсатишни ташкиллаштиришнинг асосий қоидаларини тўлиқ билиш ва амалда қўллай олишига шароит яратиши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши ҳамда эгалланган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишига замин ярата олиши лозим.

тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

ҳамширалик соҳаси бўйича бошқаришни ёритиш, ходимларнинг ишини самарадорлигини ишлаб чиқиш; соғлиқни сақлаш тизимининг асосий муаммолари ва унинг ривожланиш истикболлари, унинг илмий-техник тараққиёт давридаги ўрни ва атроф муҳитни сақлашда бошқа мутахассисликлар билан ўзаро боғлиқлик; меҳнат жамоасида ижтимоий – психологик бошқаришни назорат қилиш; ҳамширалик хизмати ва бўлимларини иқтисодий таъминотини ёритиш, режалаш, ташкил этиш ва бошқариш соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида тиббий ҳужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириши;

аёл организмдаги функционал тизимларнинг ўзаро боғлиқлиги ва регуляциясини, соғлом ҳаёт кечириш тарзи ва саломатликнинг ижтимоий аҳамиятининг гигиеник асосларини, контрацепциянинг ҳамма усулларини маслаҳатлаш билимларини ва бачадон ичи спиралини қўйиш ва олишни, оила қуришни режалаштириш, этика, жинсий муносабатлар гигиенаси ва контрацептив воситалардан фойдаланиш масалаларини; акушерликда шошилич ҳолатлар ва шошилич тиббий ёрдам кўрсатишни, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш бўйича чора тадбирларни; акушерликда кенг тарқалган касалликларнинг этиологияси, патогенези, эпидемиологияси, асосий кўринишларини, критерияларини, клиник ва лаборатор - инструментал диагностикасини, кечишини, физиологик ҳомиладорлик ва физиологик туғруқни олиб боришни, туғруқдан кейинги даврда ҳамширалик жараёни, кўкрак сути билан овқатлантириш тамойиллари бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириши;

олий маълумотли ҳамшира фаолиятида кўп учрайдиган жарроҳлик касалликлари билан оғриган беморларни врачгача бўлган ёрдам кўрсатиш тамойилларини билиши, жарроҳлик амалиётини талаб қилувчи сурункали жарроҳлик касалликларининг белгиларини эрта ва тўғри аниқлаши, бирламчи жарроҳлик ёрдамини кўрсатиш, хирургияда ҳамширалик жараёни асосий босқичлари, ҳамширалик парвариши асосий тоифаларининг деонтологик асослари, операциядан олдин ва кейин беморни кузатиш асосий қоидалари, хирургик беморни парвариш қилиш бўйича кўникмаларни бажара олишга шароит ярата олиши;

Ўткир нафас, ўткир юрак – томирлар етишмовчилигида, коматоз ҳолатларда, экзоген захарланишларда, гипетермик синдромларда, талваса синдромларида, операциялардан

кейин ҳамширалик парваришини кўрсатишнинг ўзига хос томонлари, оғриқсизлантиришнинг замонавий назарий ва амалий методлари, операция вақтида ва операциядан кейин орган ва системаларнинг хаётийлик функцияларини назоратлаш усуллари, реанимация ва интенсив терапияда замонавий технологиялар, халокатларда ҳамширалик жараёни бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширишни шакллантириши;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва модул дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуктаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Мутахассислик модули соатлари (акушерлик, хирургия, анестезиология ва реаниматология, менежмент) бўйича талаба танлаган бир йўналишга мувофиқ тегишли модул ўқитилади, ва мутахассислигига мувофиқ фаолият юритиш учун барча назарий билим ва амалий кўникмаларни қамраб олади.

3.2. 5510700 – Олий ҳамширалик иши бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати уч йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 152 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим -	63 - 70%;
аттестация -	8 - 10 %;
таътил -	12 - 16 %;
малака амалиёти -	6 - 12 %;

Назарий таълим ҳажми “Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот” билим соҳасига мувофиқ модуллар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий модуллар	2,5-3,5%
Клиника олди модуллар	20-25%
Клиник модуллар	65,5-75,5%
Электив модуллар	3-7%

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 7 - 9 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар


УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Олий ҳамширалик иши, касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, соғлиқни сақлаш тизими, клиника, лаборатория, амалий кўникмалар, касаллик, даволаш муассасалари, профилактика, Олий маълумотли ҳамшира, ҳамширалик ишида бошқарув, ҳамширалик жараён, ҳамширалик ташхис.



Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий тиббиёт ва фармацевтика
олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
Тиббий таълимни ривожлантириш маркази
Директор _____ **Н.Р. Янгиева**

2020 йил « 01 » 04

М.ў.

Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари
Ректорлар раёсати раиси
Ректор _____ **профессор Б.Т.Даминов**

2020 йил « 10 » 04

М.ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири
ўринбосари _____ **У.Ю.Сабилов**

2020 йил « 08 » 09

М.ў.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Фан ва таълим бош бошқармаси бошлиғи
_____ **Ў.С. Исмаилов**

2020 йил « 25 » 08

М.ў.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги олий ва ўрта махсус
таълимни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи

_____ **Г.Юсупалева**

2020 йил « 25 » 08

М.ў.